




**2023 йилда Имом Бухорий номидаги  
Тошкент ислом институти устозлари  
томонидан нашр этилган  
китоблар**



Ўзбек тилида ёзилган бу шарҳда фикҳ илмининг таърифи, мақсади ва тадвин этилишининг тарихи борасида мұхим маълумотлар тақдим этилган, шунингдек, унда ҳанафий мазҳаби уламоларининг ҳаёти, илмий мероси ҳамда уларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган санаддаги уламолар силсиласи ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Тўрт фикҳий мазҳаб асосчилари ва Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ шогиртларининг таржимаи ҳоллари зикр этилган. "Хидоя" асарининг арабий матни ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси қора ёзувда берилган. Матнда келган баъзи арабча матни ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси қора ёзувда берилган. Матнда келган баъзи арабча калималарнинг луғавий ва истилоҳий маъноларига тўхталиб ўтилган. Ҳанафий мазҳабига нисбатан "ҳадисларни олмасдан, ақлий далилларга таянишади", деган асоссиз танқидларга раддия сифатида фикҳий масалаларга ҳадиси шарифлардан далиллар келтирилган. Бундан ташқари, фикҳий масалаларга ҳадиси шарифларни кенгроқ шарҳлашга эътибор қаратилган. Фикҳий масалаларнинг ҳанафий мазҳабига кўра ҳукмини баён қилиш билан бирга, бошқа фикҳий мазҳаблар уламоларнинг қарашлари ҳам зикр қилинган. Бу нарса ўқувчига бирор-бир фикҳий масалани батафсил ўрганиш имкониятини беради.

# ФАТВОЛАР ТҮПЛАМИ

500 САВОЛГА  
500 ЖАВОБ



1  
КИТОБ



Сизга тақдим этилаётган ушбу китоб Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво марказига юртдошларимиз томонидан йўлланган саволларга ёзилган жавоблар мажмуасидир. Китобга халқимиз томонидан энг кўп сўраладиган саволлар киритилган. Саволларга Қуръони карим, ҳадиси шариф ва мўътабар манбалар асосида жавоб берилган. Китоб кенг оммага мўлжалланган.

Муаллифлар жамоаси раҳбари: Нуриддин домла Холикназаров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, Фатво маркази директори, муфтий.

Муаллифлар: Муҳаммад Айюбхон Ҳомидов, Ғуломиддин Холбоев, Ҳикматуллоҳ Тоштемиров, Абдулатиф Турсунов, Абдуғофур Ниёзқулов, Саййидаҳмад Сайдаралиев, Ҳабибуллоҳ Жўрабоев, Ёрқинжон Жумабоев, Отабек Мамадиев, Зикриё Бобораҳимов, Муҳаммаджон Ибрагимов.

Масъул муҳаррир: Ҳомиджон Ишматбеков, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринbosари

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ  
ФАТВО МАРКАЗИ

ФИҚХ ВА АҚИДАГА ОИД  
**ИХТИЛОФЛИ  
МАСАЛАЛАР  
ЕЧИМИ**



Муаллиф: Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,  
муфтий, Фатво маркази директори Шайх Нуриддин  
Холиқназар

Нашрга тайёрловчилар: Ғуломиддин Холбоев, Ҳикматуллоҳ  
Тоштемиров, Абдулатиф Турсунов, Сайджамол Масайитов,  
Абдуғофур Ниёзқұлов, Саййидахмад Сайдаралиев,  
Хабибуллоҳ Жўрабоев, Абдувоҳид Аҳмадалиев, Ёрқин  
жумабоев, Зикриё Бобораҳимов, Мухаммаджон Иброҳимов

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раисининг биринчи ўринbosари Ҳомиджон домла  
Ишматбеков

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг  
2023 йил 2 августдаги 02-07/6209-сонли холосаси асосида  
нашрга тайёрланди.



Мазкур ўқув қўлланмада “Замонавий фикҳий масалалар ва фатво бериш асослари” фанига киришнинг мақсад ва вазифалари, тақсит савдоси, хукуқлар ва уларни бошқа субъектларга қўчириш, қофоз ва электрон пуллар, фатво бериш асослари, фикҳий мазҳаблар ва ҳанафийлик, Мовароуннахрда фатво бериш илми ривожи ва мовароуннахрлик фақиҳларнинг илмий-маънавий мероси, фатво берувчи олимлар ва уларга қўйилган талаблар, фатволарнинг турлича бўлишининг сабаблари, фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлиш тарихи, тақлид ва мазҳабга эргашиш, фатво бериш шартлари, таржих ва унинг турлари, таржих истилоҳлари, заиф ва кучсиз ривоятларга фатво бериш шартлари, зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб бошқа мазҳаб қавлига фатво бериш, талфиқ ва унинг хукмлари, қозининг бошқа мазҳаб қавлига хукм қилиши, иллат ўзгариши билан хукмларнинг ўзгариши, урфнинг ўзгариши билан хукмнинг ўзгариши, зарурат ва эҳтиёж сабабидан хукмларнинг ўзгариши, ёмонликларнинг олдини олиш учун хукмнинг ўзгариши, фатводан қайтиш ва фатво беришга ҳақ олиш, фатво бериш ва сўраш одобларига оид маълумотлар берилади.

Муаллиф: С.Примов - Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Ақоид ва фикҳий фанлар» кафедраси доценти в.б.

Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи: М.Муҳаммадсиддиқов - Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор.

тақризчилар: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) А.Пардаев, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) У.Палвонов.



Нашрга тайёрловчи: Примов Соатмурод Уралович, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктор(PhD)

2021-2024 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-тадқиқот ишларига буюртмаси асосида ажратган №АПМ-202110011 "Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафия" асарининг академик илмий-тадқиқот таржимаси ҳамда унинг андроид ва мультимедиа дастурларини яратиш" мавзусидаги мақсадли илмий-амалий лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 21 июлдаги 03-07/5951-сонли хulosasi асосида тайёрланди.



Калом илми бўйича ўша давр талабидан келиб чиқкан ҳолда кўплаб асарлар ёзилган. Бу асарларнинг баъзиларида соф эътиқодни ўрганиш қулай бўлиши учун фақат тўғри ақиданинг ўзини баён қилишга эътибор қаратилган. Баъзиларида эса тўғри эътиқодга зид бўлган қараашлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, хатлари ҳамда уларга берилган жавоблар ҳам жамланган.

Шунга мувофик, ушбу таржимада калом, тавҳид, ва унга оид истилоҳлар, калом илмининг ўзига хос масалалари, мотуридийлик ва ашъарийлик ўртасидаги муносабатлар, "муътазилия" ва Аҳл ас-сунна вал-жамоа" ўртасидаги ақидавий тортишувлар, турли хил ихтилофли иборалар, "муътазилия" жамоасининг иддаоларига Қуръон ва ҳадисларда келган далиллар асосида таржимонлар томонидан ўқувчи учун тушунарли тарзда изоҳланиб кенг ёритилган. Шунингдек, Саъдуддин ат-Тафтазоний ҳаёти ва ижодига бағишлиланган мавзулар билан бир қаторда адашган оқимларга қарши курашишда калом илмининг аҳамияти каби бугунги куннинг энг долзарб масалалари ёритиб ўтилган.



Кўлингиздаги китоб Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийнинг “Тасаввуф вас-сулук” асарининг таржимасидир. Ҳозирги давримизда ёзилган ушбу қимматли асар илк бор ўзбек тилига таржима қилинди. Унинг аслига ишора қилиши учун таржимага “Тасаввуф ва нафс тарбияси” номи берилди. Унда тасаввуф илми бўйича ёзилган кўплаб мўътабар китобларнинг холосалари жамланган. Шунингдек, асарда муаллиф Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳафизаҳуллоҳнинг таржимаи холи, илмий терминларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари ва ўқувчи янада яхшироқ тушуниши учун баъзи қўшимча маълумотлар хам илова қилинган.

Таржима ва изоҳлар муаллифи: Абдулқодир Абдур Раҳим




«Ислом одоблари энциклопедияси» номли ушбу китобда динимизга тааллуқли машхур одоблар жамланган. Ушбу одоблар мўминларнинг дунёда саодатли ҳаёт кечиришлари ва охиратда жаннатга эришишларига сабаб бўлади. Мазкур одоблар «Мавсузатул одобил исламиятил мураттаба ўалал хуруфил ҳижоя» (Алифбо бўйича тартибланган исломий одоблар энциклопедияси) асари асосида баён қилинган. Одобларни баён қилишда уларнинг далиллари ва айрим ҳикматлари хам келтирилган. Фиқхий масалаларга тааллуқли одоблар ҳанафий мазҳабидаги мўътабар асарларга мувофиқ баён қилинган. Китобдаги одоблар ўқувчига куляй бўлиши учун кирилл алифбоси ҳарфлари тартибига кўра келтирилган.

Масъул муҳаррир: Ҳикматуллоҳ Абиев

Тақризчилар: Устоз Зоҳидхон Қодир Отакон ўғли, Абдулҳаким кори Матқулов, Кўкалдош ўрта маҳсус ислом билим юрти мудири

Нашрга Тайёрловчилар: Қудратуллоҳ Сидикметов, Жалолиддин Холмўминов, Шокиржон Мадаминов, Абдулқодир Пардаев




Муалиф ушбу китобида бугунги ислом оламидаги энг долзарб савол - салафларимиз қандай қилиб бунчалар юксак мэрраларга эришганлар, уларнинг муваффакиятларининг сабаблари нималардан иборат, деган саволга жавоб излаган. Китобда салафларниң пок ақида ва ҳар қандай кирликлардан тоза солих амаларни ҳаётга энг гўзал суратда татбиқ қилганлари, бунга туртки бўлган омиллар ва у зотларнинг бу йўлдаги жидду жаҳдлари, шунингдек, мусулмонларнинг бугунги ҳолатларига туртки бўлган сабаблар ҳақида сўз юритилади. Мавзуларни баён қилишда Қуръон оятлари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатлари ҳамда салаф олимларимизнинг сийратга оид асарларидан кенг ва унумли фойдаланилган. Ўйлаймизки, ушбу китоб қалб тарбияси ва салафи солихларнинг хулқларига интилиш йўлида азиз ўқувчиларимизга нурли чироқ бўлиб хизмат қиласди.

Масъул муҳаррир: Ж.Шодиев

Таржимонлар: З.Бегматов, Ю.Исройлжон

Нашрга Тайёрловчи: И.Нуриллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 20 июлдаги 03-07/5929-ракамли хulosаси асосида нашрга тайёрланди.



Содда, айни пайтда руҳнинг қат-қатларигача кириб борувчи хитоблари билан танилган муаллиф Али Жобир Файфийнинг ушбу китоби ким ҳақида эканлигини рисола учун танланган номдан ҳам билиб олиш қийин эмас. Албатта, "буюк шахсият" дейилгандага ҳар бир мусулмоннинг кўз ўнгига биринчи бўлиб оламларга раҳмат ўлароқ юборилган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам келадилар. Китобда Набий алайҳиссаломнинг башарнинг энг афзали ва энг гўзал хулқлиси саналишларига сабаб бўлган гўзал хислатлари, ақлларни лол қолдирувчи ҳикматлари ҳақида сўз боради.

Масъул муҳаррир: Ж.Шодиев

Таржимонлар: З.Бегматов, Ю.Исройлжон

Нашрга Тайёрловчи: И.Нуриллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 26 сентябрдаги 03-07/7318-рақамли холосаси асосида нашрга тайёрланди.



Нашиётилиз томонидан нашр қилинган "Чунки Сен Аллоҳсан" китобининг муаллифидан навбатдаги "Соябон" китобини қўлингизга олар экансиз, муаллиф асари орқали ҳаётий холосаларни, хусусан, ўрганган-билғанларини жамлаб ўқувчига тақдим қиласди. Китоб кишининг дунёқарашини ўзгартирадиган маъноларга, ечимларга бой. Ҳаётнинг ўн етти қонунини ўз ичига олиб, кенг фикр юритишга, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишга ундейди.

Масъул муҳаррир: Ж.Шодиев

Таржимонлар: З.Бегматов, Ю.Исройлжон

Нашрга Тайёрловчи: И.Нуриллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 29 июлдаги 03-  
07/6105-рақамли холосаси асосида нашрга тайёрланди.



Буюк олим Юсуф Қарзовийнинг "Мусулмон ҳаётида вақт" номли ушбу рисоласида вақтнинг инсон, хусусан, мусулмоннинг ҳаётидаги аҳамияти, Қуръон ва суннатдаги вақт ва уни ғанимат билишга оид оят ва ҳадислар, вақтни тақсимлаш зарурати ҳамда салафлар ҳаётидаги вақтни қадрлашга доир мисол ва ўрнаклар келтирилган. Шунингдек, рисолада ислом мўминга юклаган шаръий вазифа ва ибодатларнинг муайян вақтларга белгилаб қўйилгани баён этилиб, мўминнинг дунё ва охиратдаги нажоти унинг вақтидан үнумли фойдаланишга боғлиқ экани таъкидланади.

Масъул муҳаррир: Ж.Шодиев

Таржимонлар: З.Бегматов, Ю.Исройлжон ўғли

Нашрга Тайёрловчи: И.Нуриллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузури даги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 июлдаги 02-07/5787-рақамли хulosаси асосида нашрга тайёрланди.

الحارث بن أسد المدايني  
ҲОРИС ИВН АСАД АЛ-МУХОСАБИЙ  
رسالة المسترشدين  
РИСОЛАТУЛ МУСТАРШИДИН

# ХИДОЯТ ИЗЛОВЧИЛАРГА КЎРСАТМАЛАР



QR-КОД ОРКАЛИ "MUNIR" ИЛОВАСИНИ ЮКЛАБ ОЛИНГ!  
ШУ ВА БОШКА КИТОБЛАРНИ КОФОЗ, АУДИО ВА  
ЭЛЕКТРОН ТАЛКИНЛАРДА ХАРИД КИЛИНГ!



MUNIR  
ИЛОВАСИ

Ушбу китоб кишининг Исломини бойитувчи, илм ўрганишга рағбатни оширувчи кўрсатмалар, қимматли маслаҳатларга бой манбадир. Китоб ҳикматларга асосланиб, панду насиҳатга чақириш руҳида битилган. Инсонни ёмон йўллардан қайтарувчи тақиқ ва огоҳлантиришлар китобнинг асл мақсадига урғу беради. Муаллифнинг ёниқ фикрлари ўқувчининг ҳақ йўлдан оғимаслигига ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз, иншааллоҳ.

Масъул муҳаррир: Ж.Шодиев

Таржимонлар: Б.Зиёвуддин, Ю.Исройлжон

Нашрга Тайёрловчи: И.Нуриллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 июлдаги 02-  
07/5786-рақамли холосаси асосида нашрга тайёрланди



## ЭНДИ СИЗ ОТАСИЗ

Ёркин келажак сари интилаётган отанинг  
энг муҳим эҳтиёжи бу тўғри ва онгли тарбиядир.

Китоб нафақат оталарга, балки оналарга хам фойдали бўлади, деган умиддамиз. Зеро ундаги кўрсатмаларни ота-она биргаликда бажарсалар, таълим-тарбия йўлидаги интилишларини бир хиллаштирсалар кутилаётган натижага тезроқ эришилади.

Нашрга тайёрловчилар: Зияуддин Бегмуҳаммад, Тошкент ислом институти ўқитувчиси, Юсуфжон Жўрабоев

Мухаррир: Луқмон Бўрихон

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича  
қўмитанинг 2023 йил 23 октябрдаги №03-07/7851-  
сонли холосаси асосида тайёрланди.



Нашрга тайёрловчи ва таржимон: Абулҳодий Гиёс, Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси

Масъул муҳаррир: Юсуфжон Жўрабоев, “Аzon китоблари” нашиёти, таржимонлар бўлими етакчи мутахассиси

Таҳрир ҳайъати: Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов, Тошкент ислом институти ректори, сиёсий фанлар доктори, профессор, Соатмурод Примов, Тошкент ислом институти Илмий ишлар ва фан бўйича проректор, PhD, Ёкубжон Бухарбаев, Тошкент ислом институти ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор

Тақризчилар: Маҳмуд Абдуллоҳ Абдурроҳмон, Миср Араб Республикаси “Ал-Азҳар” университети, Самарқанд “Ҳадис илми мактаби” собиқ профессори, Ҳадис ва ҳадис илмлари бўйича фан доктори, профессор, Абдулатиф Аллоқулов, Имом Мотуридий Халқаро илмий тадқиқот маркази, “Мотуридийлик таълимоти бўлими бошлиги, “Тарих фанлари” бўйича фалсафа доктори (PhD) Нурбаев Ҳурмуҳаммад, Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси мудири

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича Қўмитанинг 2022 йил 6 июндаги № 03-07/4466-сонли холосаси асосида тайёрланди.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам ва у зотнинг аҳли байтлари ҳақида мусулмон киши билиши керак бўлган бирламчи тарихий маълумотларни илмий асосда тақдим этади. Қайта ишланган ушбу иккинчи нашрда олдингисидан факрли ўлароқ, "Сийрат солномаси" билан "Исломда ўлчов бирликлари" илова қилинди.

Муаллиф: Абдул Азим Зиёуддим, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти "Ҳадис ва ислом тарихи фанлари" кафедраси катта ўқитувчиси, сийрат фани устози

Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари

Сўзбоши муаллифлари: Шайх Муҳаммадсодик Муҳаммад Юсуф (Рахматуллоҳи алайҳ); Абдулҳамид Турсунов, "Бурҳониддин Марғилоний" жоме масжиди имом-хатиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 02--7/5955-рақамли хulosаси асосида тайёрланди.

# Сиз ПАЙГАМБАРНИ танийсизми?



Пайғамбаримиз  
соллаллоҳу алайҳи васаллам  
**СИЙРАТЛАРИ**  
бўйича қисқа савол-жавоблар



Абдул Азим Зиёуддин

# Сиз ПАЙГАМБАРНИ танийсизми?



Пайғамбаримиз  
соллаллоҳу алайҳи васалламнинг  
**ШАМОЙИЛЛАРИ**  
бўйича қисқа савол-жавоблар



Абдул Азим Зиёуддин

Ушбу мўъжаз китобчага киритилган маълумотлар мўътабар ва мўътамад манбалар асосида саралаб олинган. Унда ҳар бир мўмин-мусулмон киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шамойиллари ҳақида билиши керак бўлган муҳим, бирламчи ва асосий маълумотлар савол-жавоб тариқасида келтирилган. Бу маълумотлар мазмун-моҳияти содда, оддий бўлгани сабабли ўкувчи зеҳнига осон ўрнашади ва бир ўтиришда ўкиб кўйилади, иншааллоҳ.

Муаллиф: Абдул Азим Зиёуддин, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти "Ҳадис ва ислом тарихи фанлари" кафедраси катта ўқитувчиси, сийрат фани устози

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 1 февралдаги 03-07/619-сонли хуносаси асосида нашрга тайёрланди.

Шайх Муҳаммад Хузарий

# НУРУЛ ЯКИЙН

ФИ СИЙРАТИ САЙИДИЛ  
МУРСАЛИЙН

Пайғамбарлар саййиди



сийратларига оид  
ишончли нур – сўнмас зиё



МАККА ДАВРИ

АКАДЕМИК ТАРЖИМА


Таржимон: Абдул Азим Зиёуддин

Таржимон, таҳқиқ ва изоҳлар муаллифи: Абдул Азим  
Зиёуддин, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институти "Ҳадис ва ислом тарихи фанлари" кафедраси  
катта ўқитувчиси, сийрат фани устози

Масъул муҳаррир: Сайджамол Юсуф, Ўзбекистон  
мусулмонлари Фатво маркази бош мутахассиси

Сўзбоши муаллифлари: Исмоилжон Муҳаммад Содик,  
"Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф" Жоме масжиди  
имом-хатиби, "Ҳилол-нашр" матбаа-нашриёти раҳбари;

Баҳодиржон Баҳромжон ўғли, Имом Бухорий номидаги  
Тошкент ислом институти "Ҳадис ва ислом тарихи  
фанлари" кафедраси мудири



Бу асар улуг ватандошимиз, Олтинхонтўра номлари билан танилган олим Сайид Маҳмуд Тарозий (1895-1991) Раҳматуллоҳи алайҳининг Қаламига мансуб бўлиб, уни муаллиф ўз ватандошларига атаб ёзганлар.

Сийрат мутолааси барчамизга муборак бўлсин!

Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фахрийлар кенгashi раиси

Сўзбоши муаллифлари: Абдулҳаким қори Комилжон ўғли, Кўкалдош ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси мудири

Тақризчилар: Уйғун Faфуров, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ректори; Абдурашид Зоҳид, Филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 02-07/6513-сонли хulosалари асосида тайёрланди.




Масъул муҳаррир: Ғиёсиддин Ҳабибуллоҳ

Таржима ва шарҳлар муаллифи: Баҳодиржон  
Баҳромjon ўғли

Илмий муҳаррир: Махсумхонов Раҳматуллоҳ

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича  
қўмитасининг 2023 йил 18 июлдаги 03-07/5853-  
рақамли хуносаси асосида тайёрланди.



Ҳаким Термизийнинг қаламига мансуб "ал-Амсол мин ал-китоб бас-сунна" ("Қуръон ва ҳадисдан масалалар") асари Қуръон ва ҳадисда келган зарбулмасал ва мисоллар, уларнинг мазмун моҳияти, яширин маъноларини баён қилишга бағишлиланган. Мазкур асарнинг таржимаси мисрлик тадқиқотчи олим, доктор Али Мұхаммад Бижовий томонидан нашрга тайёрланиб, Қохира шаҳридаги "Мактабату дорит-турос" нашриётида чоп этилган йиғма қиёсий матн асосида амалга оширилди. Китоб кенг китобхон оммаси учун мүлжалланган.

Лойиха раҳбари: Шоазим Миноваров

Сўзбоши муаллифи: Нуриддин домла Холиқназаров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий


Масъул мухаррир: Олимжон Давлатов Филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Тақризчилар: Н.Насруллаев-тарих фанлари номзоди, доцент;

С.Примов-исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори

Илмий мухаррир: Н.Нурбаев, Тошкент ислом институти кафедра мудири

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Илмий кенгашининг 2023 йил 18 сентябрдаги 3-сонли йиғилишида нашрга тавсия қилинган.



Китобнинг қисқача мазмуни: Аллоҳ таоло Куръони каримни бу уммат учун раҳмат қилиб туширди. Унда Ислом умматини икки дунё саодатига эриштирувчи ҳамма нарсани баён қилди. Куръонни ўрганиш барча илмларнинг бошидир. Уни ўрганиш ва ўргатиш ажри энг улуғ амал саналади. Зоро, тажвид қоидаларига амал қилиш вожиб бўлиб, ўз ўрнида бу ўрганувчининг илмига барака олиб келади. Шу мақсадда тажвид қоидаларига доир бир қанча китоблар турли услугбларда ёзилди ва ёзилмоқда. Ушбу мўъжазгина китобча Муҳаммад Аҳмад Маъбаднинг янгича - савол-жавоб услубида битилган "Ал-мулаҳҳасул муфид фи илмит тажвид" асари асосида тузилган. Тузувчи уни қўшимча эслатмалар билан бойитган.

Нашрга тайёрловчи: Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти "Таҳфизул Қуръон" кафедраси катта ўқитувчisi Жаҳонгир Нематов

Китобнинг ҳажми: 99 бет

Узбекистон мусулмонлари идораси

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти  
“Таҳфизул Қуръон” кафедраси

# ТАФСИР

фани бўйича

Ўқув услубий қўлланма

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий таълимнинг диншунослик, исломшунослик, ислом тарихи ва манбашунослиги тизимида ўқиётган талабалар ҳамда имом - хатиблар учун мўлжалланган. Мазкур қўлланмада "Фотиҳа" сураси ўз ичига олган мавзулар ёритиб берилган.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Илмий Кенгашнинг 2023 йил 16 майдаги № 5-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 25 майдаги №04-07/4154-сонли холосаси асосида тайёрланди.



Лойиха раҳбари: Муҳаммад Шоҳ Иброҳим

Масъул муҳаррир: Комил Умар


Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Нигораҳон  
Усмонова

Муҳаррирлар: Ғиёсхон Умархонов, Муҳаммад Шоҳ  
Иброҳим, Робияхон Нажмиддинова, Гулчехра  
Тўракулова

Техник муҳаррир: Арофат Хашимова

Саҳифаловчи: Иззатуллоҳ Адҳам, Ғёсиддин Адҳам

Муқова дизайнери: Дониёрбек Нишонбоев



Ушбу китобда келадиган маълумотлар ҳар қандай савиядаги китобхон учун қалб кўзининг очилишига хизмат қиласди. Кишини ҳолат ва воқеаларга бошқа ракурсдан қарашга, тафаккурга ундаиди. Биз беихтиёр ҳақ-ноҳақ, мумкинмумкин эмас деб ўйлайдиган бир қанча нарсалар аслида бошқа эканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам китоб қалбимизни ўйғотишдан умид қиласми.

Таржимонлар ва нашрга тайёрловчилар: Муҳаммад Шоҳ Иброҳим, Комил Умар



Ушбу услугбий қўлланмада Араб тили грамматикасидаги кенг қамровли мавзулардан бири бўлган Замирлар (олмошлар) мавзуси ўрганилган. Олмошларни қўллаш бўйича араб тили ва ўзбек тили ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар очиб берилган. Қўлланма Олий ва ўрта маҳсус ислом билим юртлари талабалари ва араб тилига ихлосманд бўлган кенг омма эътиборига мўлжалланган. Ўқувчилар араб тилини пухта ўрганишларида ушбу рисола манфаатли бўлишини умид қиласиз.

Муаллиф: Юлдашев Иззатуллоҳ Маҳкамович - Тошкент ислом институти "Тиллар" кафедраси катта ўқитувчиси

Масъул муҳаррир: М.Муҳаммадсиддиқов - Тошкент ислом институти ректори

Муҳаррирлар: Ё.Бухарбоев - Тошкент ислом институти ўқув ишлари бўйича проректори; С.Масайтов - Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими ходими

Тақризчилар: У.Ҳасанов - Тошкент ислом институти "Тиллар" кафедраси мудири; А.Исамитдинов - Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Она тили ва адабиёти" ал-Азҳар кафедраси ўқитувчиси



Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти куйи курслари, ўрта маҳсус Ислом билим юртлари талабалари ва араб тилини ўрганишга қизиққан барча ўқувчиларга мўлжалланган.

Аҳроров Ибодуллоҳ  
Келинг араб тилида гаплашамиз (Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр);

Масъул муҳаррир: М.Муҳаммадсиддиков; Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти. - Тошкент: Faafur Fulom nomidagi nazariyot-matbaa ijodiy uyi, 2023. 240 b.

Масъул муҳаррир: Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиков,  
Тошкент ислом институти ректори

Такризчилар: Ёрмуҳаммад Эшназаров, Каримулла Юсупов




Кўлимиздаги ушбу “Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз?” китоби Абдул Азим домланинг китобхонларимизга яна бир тухфасидир. Унинг биринчи қисми ўқувчилар қўлига анча олдин етиб борган бўлиб, халқимиз ундан кўп манфаатлар олди. Унинг иккинчи қисми ҳам мусулмон юртдошларимизнинг маърифий юксалишига катта ҳисса қўшади, деб умид қиласиз. Албатта, ҳеч бир китоб осонлик билан юзага чиқмайди. Шундай экан, Аллоҳ домламизнинг бу мashaққатли меҳнатларини катта мукофотлар билан мукофотласин, Ўзининг розилиги учун қилинган амаллар қаторига ҳусни қабул қилсин! Омин!

Муаллиф: Абдул Азим Зиёуддин, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Хадис ва ислом тарихи фанлари» кафедраси катта ўқитувчиси, сийрат фани устози

Масъул муҳаррир: Ҳомиджон Ишматбеков, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринbosari

Сўзбоши муаллифлари: Ҳомиджон Ишматбеков, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринbosari, Мухаммад Айюб Ҳомидов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази катта уламоси

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 02-07/6514 сонли хulosasi асосида тайёрланди.



Қўлингиздаги ушбу китобча араб хатини шунчаки ўқишинигина эмас, балки бошданоқ ҳар бир ҳарфни маҳражи (жой-жойи)дан чиқариб гўзал талаффуз қилишни ният қилганлар учундир. Ушбу китобга китобнинг овозли шакли ҳам илова қилинган бўлиб, ўқувчи ўзлаштириш жараёнида овозга диққат қилган ҳолда, ҳарфларнинг сифати ҳамда "фатҳа", "касрა", "замма"дан иборат ҳаракатларнинг адo этилишига эътибор қаратмоғи лозим.

Товушнинг чиқиш ўрни (маҳражи) ва сифатлари муҳимлиги эътиборидан, ҳар бир товушнинг ёнида чиқиш ўрни ва асосий сифатлари ҳам берилди. Китобнинг охирида эса ушбу сифатларнинг қисқача изоҳи тақдим қилинди.



Таҳажжуд намози нафл ибодатларнинг энг афзали, ажру мукофоти энг буюги ҳисобланади. Зоро, Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Фарз намозлардан кейинги энг афзал намоз таҳажжуд намозидир", - дея марҳамат қилганлар.

Ушбу қўлингиздаги рисолада таҳажжуд намозини ўқиш рақиби, унинг фазилатлари, одоблари ва унга доир фиқхий аҳкомлар батафсил баён қилинган. Шу билан бирга, ушбу ибодатни адо этишда аввалги ўтган салафи солиҳларимизнинг завқу шавқлари, айтган сўзлари, тарғиб ва тавсиялари келтириб ўтилган. Рисола сўнгида таҳажжуд намозига доир кўп сўраладиган саволларга ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбалари асосида жавоб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 сентябрдаги 03-07/7469-сонли хуносаси асосида тайёрланди.